

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**КАДИРОВА ДИЛФУЗА НЕЙМАТОВНА**

**ТЎҚИМА ТАСМАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**  
**ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси**  
**ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации**  
**Contents of the Abstract of Doctoral Dissertation**

**Кадилова Дилфуза Нейматовна**

Тўқима тасмаларини ишлаб чиқариш технологиясининг ўзига хос  
хусусиятлари..... 3

**Кадилова Дилфуза Нейматовна**

Особенности технологии производства тканых лент..... 27

**Kadirova Dilfuza Nematovna**

Features of woven tape production technology..... 50

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 54

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**КАДИРОВА ДИЛФУЗА НЕЙМАТОВНА**

**ТЎҚИМА ТАСМАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**  
**ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси**  
**ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фан доктори (DSc) диссертациясини мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.DSc/T53 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ttuvesi.uz](http://www.ttuvesi.uz)) ва «Ziyouonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyouonet.uz](http://www.ziyouonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Дамшиев Асқарали Давлатович  
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алимова Халима Алимовна  
техника фанлари доктори, профессор

Ахунбобоев Охунжон Абдурахмонович  
техника фанлари доктори, к.и.х.

Валиев Гулом Набиджанович  
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ниманган муҳандислик технология  
институтини

Диссертация хайъаси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамини Илмий кенгашнинг 2021 йил «10» июль соат 10<sup>00</sup> дақиқ мижласида бўлиб ўтди (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шоҳжаҳон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: [info@tdhi.uz](mailto:info@tdhi.uz)).

Докторлик диссертациясини билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтинини Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (97-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шоҳжаҳон кўчаси 5-уй. Тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил «25» июль куни тарқатилди.

(2021 йил «25» июлдаги 97-рақамли реферат берилди).



И.Қ.Сабирон

Илмий маслаҳатлар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д.

А.З.Маматов

Илмий маслаҳатлар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

Х.А.Бабаханова

Илмий дарижалар берувчи илмий кенгаш  
қўшмадиги илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д.

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тўқимачилик саноати маҳсулот турлари кенгаймоқда ҳамда уларга кўйилаётган талаб ҳам жадал суръатларда ошиб бормоқда. «Дунё тўқимачилик бозорида 2020 йилга нисбатан ишлаб чиқариш қиймати 2025 йилгача 26,2 фоизни, ўртача йиллик ўсиш суръати эса 5,2 фоизни ташкил этиши башорат қилинмоқда. Глобал миқёсда техник тўқимачилик материалларини ишлаб чиқариш ва тадқиқотлар олиб бориш ишлари асосан АҚШ, Германия, Франция, Бразилия, Чехия, Ҳиндистон, Япония, Португалия, Россия ва бошқа мамлакатларнинг олимлари ва мутахассислари томонидан амалга оширилмоқда»<sup>1</sup>. Тўқимачилик бозорларидаги рақобатнинг кучайиши тўқимачилик матоларининг янги ассортиментларини яратиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобига маҳсулот истеъмол хусусиятларини янада яхшилаш ва ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш эвазига унинг улгуржи нархларини пасайтиришга олиб келмоқда. Шунга кўра, дунё бозорида тўқимачилик маҳсулотлари сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтириш, истеъмол сифат кўрсаткичларини ошириш, хомашё сарфини камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда юқори сифатли техник тўқималар ишлаб чиқариш техника ва технологиясини такомиллаштириш, уларнинг илмий асосларини яратишга йўналтирилган тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан озиқ-овқат, тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланиладиган транспортер тасмаларининг юқори мустаҳкамлигини, кўп маротабалик эгилишларга чидамлилигини таъминлаш, янги тўқув ўрилишлари асосида янги тузилишли тўқималар яратиш, белгиланган эксплуатацион нормалар ва юқори экологик, санитар-гигиеник талабларга жавоб берувчи хизмат кўрсатиш хусусиятлари ва параметрларини муқобиллаштириш муҳим илмий-амалий масалалар қаторига киради.

Мамлакатимиз тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг турлари ва ассортиментини кенгайтириш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республика-сини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Шунингдек, стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишни такомиллаштириш ҳисобига, корхоналарни техник ва технологик

<sup>1</sup> <https://www.marketsandmarkets.com/Market-Reports/technical-textile-market-1074.html>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

янгилаш ва истиқболли «кластер модели»ни татбиқ этишга йўналтирилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда<sup>3</sup>. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан техник тўқималар ассортиментини кенгайтириш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, юқори мустаҳкамлик ва бикрликка эга бўлган техник тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хомашё ва ресурсларни тежовчи илмий-техникавий ечимлар орқали уни такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2017 йил 14 февралдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 397-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Тўқимачилик саноати техника ва технологияларини ривожлантириш, янги тўқимачилик матолари ассортиментларини яратишнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, институтлари ва университетлари томонидан, жумладан, Technische Universität Dortmund (Германия), University of Gent (Бельгия), Donghua University, Wuhan Textile University (Хитой), Indian Institute of Technology, Indian Institute of Science (Ҳиндистон), Санкт-Петербург давлат саноат технологиялари ва дизайн университети (Россия), Иваново давлат политехника университети (Россия) ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Техник тўқималар ишлаб чиқариш техника ва технологияларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: юқори даражадаги иш тезлиги, ҳарорат, тозалик ва чидамлилиқни ошириш, тобора кучайиб бораётган гигиена ва хавфсизлик стандартлари талабларини қондириш учун янги тизимлар ва техник тўқималарни ишлаб чиқариш концепциялари яратилган (Ammeraal Beltech, Нидерландия); озиқ-овқат саноати

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори.

маҳсулотларини ташишга мўлжалланган мустаҳкамлиги юқори бўлган ок рангли, оловбардош, силиконли транспортер тасмаларини ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган (Iksonic, Хитой); транспортер тасмаларни ранги ва иссиқликка чидамлилиги бўйича математик моделлари таклиф қилинган (North Carolina State University, АҚШ); турли хил табиий, синтетик ва нейлон N6 ва N66 синфига кирувчи иплар билан эни ва қалинлиги юқори бўлган транспортер тасмалари яратилган (Neelkanth Belts, Ҳиндистон); тасма четларини узилишга бўлган чидамлилигини таъминлаш бўйича кўп қатламли тўқималарда турли тўқув ўрилишларини қўллаш орқали физик-механик хусусиятлари яхшиланган (Textile Engineering Department, Туркия).

Дунёда янги тузилишли техник тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича кўйидаги йўналишларда қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш янги техника ва технологияларини яратиш, уларнинг илмий асосларини ривожлантириш, ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш, янги тўқималар ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, техник тўқималар ассортиментини кенгайтириш, уларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, сирт зичлиги юқори бўлган тўқималарни ишлаб чиқариш ва хусусиятларини башорат қилишнинг илмий-амалий асосларини ривожлантириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Техник тўқималарни ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш ва тузилишини тадқиқ қилиш йўналишлари бўйича В.П.Склянников, А.В.Романов, С.Г.Керимов, Т.Ю.Карева, С.С.Юхин, Л.И.Радзивальчук, Е.А.Юхина, Г.Б.Дамьянов, П.А.Примаченко, А.А.Мартынова, Е.А.Каргина, О.П.Ленец каби россиялик олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Шунингдек, чет эл олимлари S.Breiley, V.Kumar, V.R.Sampath, N.Emirhanova, Y.Kavusturan, E.Onofrei, S.A.Frydrych, H.R.Mattila, D.Farama, Bartkowiak Grazyna, Szucht Edwart, C.Candan ва бошқалар самарали илмий изланишлар олиб боришган.

Мамлакатимизда тўқимачилик соҳасининг ривожига бир қатор олимлар, жумладан, Х.А.Алимова, М.М.Муқимов, Э.Ш.Алимбаев, А.Д.Даминов, Ф.А.Велиев, П.С.Сиддиқов, С.А.Хамраева, О.А.Ахунбабаев, Ғ.Н.Валиев, С.С.Рахимходжаев, Б.К. Хасанов, Б.Х. Баймуратов ва бошқа олимлар ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бугунги кунда техник тўқимачилик тасмаларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш бўйича назарий ва амалий изланишларга талаб ортиб бормоқда. Мазкур масалани ҳал этиш технологик ва конструктив жиҳатдан янги тўқималар яратиш ва уларни лойиҳалаш, транспортер тасмаларини ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш бўйича комплекс назарий ва тажрибавий илмий тадқиқотлар ўтказилишини талаб этади. Тўқимачилик ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш – хом ашёдан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, тўқув дастгоҳларининг унумдорлигини ошириш билан бевосита боғлиқдир. Юқори сирт зичликли тўқималар гуруҳига мансуб тўқимали транспортер тасмаларини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва хусусиятларини тадқиқ қилиш мавжуд муаммоларни ҳал этишда алоҳида аҳамиятга эгадир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ИОТ-2016-2-19 «Пахта ва полиэфир ишлари аралашмасидан янги костюбоп тўқималарни татбиқ этиш», № ИОТ-2014-2-13 «Маҳаллий хомашё асосида филтрловчи элементларга мўлжалланган тўқимачилик материалларини ишлаб чиқариш технологиясини жорий этиш», № ОТ-Итех-2018-1 «Кураш спортчилари кийимларига мўлжалланган махсус тўқималарни ишлаб чиқаришга жорий этиш» мавзусидаги инновацион ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** таранглик натижасида кам чўзилувчан, кўп маротабалик эгилишларга чидамли, юқори мустаҳкамлик ва бикрликка эга бўлган транспортер тасмаларини ишлаб чиқариш технологиясини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

транспортер тасмаларини эксплуатацион хусусиятларига таъсир этувчи шаклланиш жараёни ва тузилишини таҳлил қилиш;

техник тўқима ва ипларнинг эксплуатацион даврида кечадиган релаксацион жараёнларини тадқиқ қилиш;

тўқув дастгоҳида янги арқоқ ташлаш тизимини қўллаш ҳисобига чоксиз тўқимали тасмалар ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини яратиш;

янги тузилишли транспортер тасмалари учун техник тўқималарнинг реологик хусусиятларини таҳлил қилиш;

эксплуатация вақтига боғлиқ турли хил транспортер тасмаларининг оғирлиги ва қалинлиги ўзгаришини ҳисобга олувчи тасмалар учун техник тўқималарни ишлаб чиқариш жараёнининг математик моделларини ишлаб чиқиш;

берилган узилишга чидамли транспортер тасмаларга мўлжалланган техник тўқималарни тасмаларнинг технологик параметрлари ва эксплуатацион хусусиятларини тадқиқи асосида лойиҳалаш;

ипнинг бикрлик ва ишқаланиш коэффициентларини ҳисобга олувчи қўзғалувчан ва қўзғалмас цилиндрларнинг бўйламаси ва айланаси бўйича сирпанувчи арқоқ ипи таранглигини ҳисоблаш;

моки ушлағич юзасининг ҳолати, ўлчами ва шаклига боғлиқ арқоқ ипининг ишқаланиш коэффициенти аниқлаш услуги ва макетини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республикада фойдаланилаётган бельтинг тўқимаси асосида олинган техник тўқималар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни техник тўқималарни ишлаб чиқариш технологиясининг ўзига хосликлари ва уларни белгиланган хусусиятлар асосида лойиҳалаш услуги ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тўқимачилик ипларининг физик-механик кўрсаткичлари, мувозанат намлиги, релаксация вақтини аниқлаш, тўқима ипларини бириктириш, тажриба натижаларини қайта ишлаш, регрессион моделлар қуришнинг кичик квадратлар усулларида фойдаланилган.



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

танда ипларини тўқув дастгоҳига спиралсимон тахтлаш асосида чоксиз тўқимали тасмалар ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

нотўқима, хом ва ишлов берилган тўқималардан тайёрланган транспортер тасмаларнинг қалинлиги ва оғирлиги бўйича ўзгариш боғланишлари ишлаб чиқилган;

эластик тахтлаш тизимидаги ипнинг тўқувчилик ишлаб чиқаришида атроф-муҳит ҳарорати ва мувозанат намликнинг вақтга боғлиқ релаксацион боғланишлари ишлаб чиқилган;

арқоқ ипи таранглиги унинг кўзғалмас ва кўзғалувчан цилиндрлар сирти бўйлаб сирпанишидаги бикрлиги, радиуси, ишқаланиш бурчаги ва коэффицентларини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

моки ушлагич юзасининг ҳолати, ўлчами, арқоқ ипининг шаклига боғлиқ ишқаланиш коэффицентини аниқлаш усули ва лаборатория қурилмаси ишлаб чиқилган;

тўқима кесимлари асосида мураккаб ўрилишли тўқималарни қуришнинг дастурий таъминоти яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

чизиқли зичлиги юқори бўлган иплардан белгиланган хусусиятли транспортер тасмаларини тайёрлашнинг янги технологияси яратилган;

ишлаб чиқилган транспортер тасмаларини озиқ-овқат саноатига қўлланилиши натижасида транспортер тасмаларига мўлжалланган техник тўқималарнинг ишлаш сифати ва хизмат муддатини оширишга эришилган;

тадқиқотлар натижасида яқка тўқув ғалтакли тахтлаш тизимини қўллаб, оддий тўқув дастгоҳларида бир қатламли транспортер тасмалари ишлаб чиқарилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тажриба материалларининг статистикаси, назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларини солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг мос келиши, математик-статистик қайта ишловлар зарур ишончилик даражаси билан амалга оширилганлиги, тажрибалар хатолиги ўрнатилган меъёр ортмаганлиги, тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга ижобий жорий қилинганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўқув корхонасида мувозанат намлик, атроф-муҳит ҳарорати ва эластик тахтлаш тизимидаги ипнинг релаксацион ҳолатлари боғланиши таклиф этилганлиги, ипнинг бикрлиги, ишқаланиш бурчаги ва коэффицентини ҳисобга олган ҳолда ҳаракатсиз ва ҳаракатланувчи цилиндрларнинг айланаси бўйлаб арқоқ ипи таранглигини аниқлаш тенгламаси олинганлиги, такомиллаштирилган арқоқ ушлагичнинг юзаси, шакли ва ўлчамларига боғлиқ арқоқ ипи ишқаланиш коэффицентини аниқлаш макети ва услуби ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва чоксиз тўқима тасмаларнинг янги структурасини олиш ва ишлаб чиқариш технологияси

ишлаб чиқилганлиги, нотўқима, хом тўқима ва ишлов берилган тасмаларнинг оғирлиги ва қалинлигини ўзгариш қонуниятлари олинганлиги, ҳамда тўқима кесими асосида мураккаб ўрилишли тўқималарни ишлаб чиқариш дастурий таъминоти ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тўқима тасмаларини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларига кўра:

тўқимали транспортер тасмасини ишлаб чиқариш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патентлари олинган (№ IAP 04992, 2015 й.; № IAP 06240, 2020 й.). Натижада, чоксиз тўқимали тасмаларни ишлаб чиқариш имконияти яратилган;

транспортер тасмани ишлаб чиқариш технологияси МЧЖ «Бельтекс» корхонасида жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2020 йил 19 октябрдаги 04/18-2440-сонли маълумотномаси). Натижада, транспортер тасмаларни қўлланилиш муддатини оширишга имконият яратилган;

илмий изланишлар натижасида олинган транспортер тасмалар Тошкент шаҳридаги «Вкусный хлеб» нон ишлаб чиқариш корхонасида татбиқ этилган (корхонанинг 2018 йил 5 январдаги далолатномаси). Бу эса, атроф-муҳит намлиги таъсирида хом матодан тайёрланган тасма массасининг ортиб кетишини ўртача 25%, ишлов берилган матодан тайёрланган тасмада ўртача 35% гача камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 17 та илмий-техник анжуманлар, шу жумладан 8 та халқаро, 7 та республика конференцияларида ва 2 та илмий семинарда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, улардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола ва 1 та монография, ундан 3 та мақола чет элда чоп этилган. Ўзбекистон Республикасининг 2 та ихтирога патентлари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, шунингдек тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Техник тўқималарни ишлаб чиқариш технологиясини тадқиқ қилиш**» деб номланган биринчи боби адабиётлар

манбаларининг аналитик таҳлилига, жумладан, соҳа олимларининг янги тузилишдаги тўқимали тасмаларни олиш орқали уларнинг сифатини яхшилашга йўналтирилган илмий ишларини ўрганишга бағишланган.

Иккинчи «**Техник тасмаларни ишлаб чиқариш технологиясини математик моделлаштириш**» деб номланган бобда математик моделлаштириш жараёни асосида тўқимали техник тасмаларни ишлаб чиқариш технологиялари келтирилган ва таҳлил қилинган. Ҳозирги кунда мазкур турдаги маҳсулот Ўзбекистон Республикасида саноат миқёсида деярли ишлаб чиқарилмаслиги, транспортер тасмаларини ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг катта қисми яқин чет эл мамлакатлари ҳудудида жойлашганлиги ва уларнинг қувватлари асосан ички эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилганлиги муаммоси баён этилган.

Ушбу муаммо, хусусан, технологик жараёнда бир қатор хусусиятларга, жумладан юқори экологик хавфсизлик, ярим тайёр маҳсулотларнинг кам ёпишқоқлиги ва муайян эксплуатацион ўлчамларга эга бўлган транспортер тасмаларидан фойдаланадиган нон ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолиятига таъсир кўрсатди. Ҳозирги кунда нон ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланилаётган транспортер тасмалари сифат кўрсаткичлари бўйича истеъмолчи талабларига жавоб бермайди. Асосий камчилик тасмани ишлатиш вақтида корхонанинг ҳарорат-намлик режимлари ва чўзилиш (пластик деформациянинг шаклланиши) таъсири остида хизмат муддатининг пастлиги билан боғлиқдир. Шунинг учун, ушбу хусусиятларни ўрганиш ва математик моделларни ишлаб чиқиш асосида тегишли қонуниятларни аниқлаш орқали муаммони ечиш мақсадга мувофиқдир.

Хом тўқима, ишлов берилган (сув шиммайдиган) тўқима ва нотўқима матоларидан ишлаб чиқарилган ва ҳамир ёйиш машиналарига ўрнатилган тасмалар массаси ва қалинлигига корхонадаги ҳарорат-намлик режимларининг таъсирини ўрганиш бўйича тажриба тадқиқотлари ўтказилди. Тажриба 36 ой давомида амалга оширилиб, олинган натижаларнинг назорати ҳар 3 ойда ўтказиб борилди. Бунда цехдаги ҳарорат 23°C ва намлиги 65% ни ташкил этди.

Ишлов берилган тасма оғирлигининг  $Y$  (кг) эксплуатация вақтига  $X$  (ойлар) боғлиқ тадқиқотлари натижасида қуйидаги маълумотлар (1-жадвал) олинди.

### 1-жадвал

**Тасма оғирлигига эксплуатация вақтининг таъсири  
(ишлов берилган тўқима)**

$X_u$	3	6	9	12	15	18	21	24	27	30	33	36
$Y_u$	1,99	2,05	2,09	2,11	2,12	2,13	2,14	2,15	2,16	2,17	2,18	2,18

Тасма оғирлиги ва қалинлигига эксплуатация муддатининг таъсири бўйича тажриба натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Маҳсулотнинг оғирлиги ва қалинлигининг ошиши ярим тайёр маҳсулотнинг транспортер тасмасига ёпишиб қолиши билан боғлиқ бу ярим тайёр маҳсулотдаги намликнинг тасмага ўтиши билан изоҳланади (2-жадвал).

**Тасма оғирлиги ва қалинлигига эксплуатация муддатининг таъсири  
бўйича тажриба натижалари**

№	Намуна тасмаларининг номи	Тасма қалинлиги, мм		Транспортер тасмасининг оғирлиги (узунлиги 3 м), гр.	
		Тахтланган (бошланғич)	Эксплуатациядан кейин	Тахтланган (бошланғич)	Эксплуатациядан кейин
1.	Хом тўқимали тасма	1,9	2,2	1990	2200
2.	Ишлов берилган тасма	1,9	2,18	1990	2180
3.	Нотўқимали тасма	1,9	4,0	1990	4000

Эксплуатация жараёнида тасма оғирлигининг ошиши тасма таранглигининг узлуксиз ортиб боришига олиб келади. Тарангликнинг кескин ортиши эса транспортер тасманинг узилишига сабаб бўлади. Шу сабабли, маҳсулот параметрларининг миқдорий ва сифат хусусиятларини акс эттирадиган, транспортер тасмасининг оғирлиги ва қалинлигининг атроф-муҳитнинг намлиги ва эксплуатация вақтига қараб ўзгариш қонунияти ўрганилди.

Тажриба натижасида тасма оғирлигига (кг) эксплуатация муддатининг таъсири бўйича ишлов берилган, хом ва нотўқима полотнолардан ишлаб чиқарилган тасмалар учун қуйидаги математик моделлар аниқланган:

$$\text{ишлов берилган тўқимадан тайёрланган тасма учун } Y_R = 1,93 \cdot X^{0.035}$$

$$\text{хом тўқимадан тайёрланган тасма учун } Y_R = 1,93 \cdot X^{0.065}$$

$$\text{нотўқимадан тайёрланган тасма учун } Y_R = 1,93 \cdot X^{0.19}$$

Шунингдек, тасма қалинлигига (мм) эксплуатация муддатининг таъсири ҳам ўрганилиб, математик моделлар қуйидаги кўринишларга эга эканлиги аниқланди:


$$\text{ишлов берилган тўқимадан тайёрланган тасма учун } Y_R = 2X^{0.06}$$

$$\text{хом тўқимадан тайёрланган тасма учун } Y_R = 2X^{0.09}$$


$$\text{нотўқимадан тайёрланган тасма учун } Y_R = 2X^{0.2}$$

1-расмда ишлов берилган, хом ва нотўқима полотнодан тайёрланган транспортер тасмаларининг эксплуатация вақтига боғлиқ оғирлигининг (кг) ўзгариш қонунияти, 2-расмда эса ишлов берилган, хом ва нотўқима полотнодан тайёрланган транспортер тасмасининг эксплуатация вақтига боғлиқ қалинлигининг (мм) ўзгариш қонуниятлари келтирилган.

1- ва 2-расмлардаги графиклар таҳлилидан, нотўқима полотнодан тайёрланган транспортер тасмасининг ишлаш муддати уч ой, хом тўқимадан ишлаб чиқарилган транспортер тасмасиники эса икки йил атрофида, ишлов берилган тўқимадан тайёрланган транспортер тасмасининг ишлаш муддати уч йилни ташкил қилишини кўриш мумкин.



**1-расм. Транспортер тасма оғирлигига хизмат кўрсатиш даврининг таъсири**



**2-расм. Транспортер тасма қалинлигига хизмат кўрсатиш даврининг таъсири**

Нотўқимадан тайёрланган транспортер тасмага нисбатан, хом тўқимадан тайёрланган транспортер тасмага маҳсулотни ёпишиш даражаси 58% га, ишлов берилган тўқимадан тайёрланган транспортер тасмага эса 71% га пастлигини кўриш мумкин. Хом тўқиманинг танда ва арқоқ иплари эшилганлиги, ишловланган тўқимага эса кўшимча сув шимдирмайдиган препаратлар билан ишлов берилганлиги туфайли уларда ташилаётган маҳсулотнинг тасмага ёпишиши пасаяди. Нотўқима полотносининг тузилишидаги ғовакликлар ҳисобига, унда ташилаётган маҳсулотни тасмага ёпишиши юқоридир.

Ишлов берилган тасма оғирлигининг Y (грамм) муҳит намлигига X (%) боғлиқ олинган тажрибавий натижалар 3-жадвалда келтирилган.

**3-жадвал**

**Атроф-муҳит намлигини тасма оғирлигига таъсирининг тажрибавий натижалари**

№	Тасма типи	Ишлаш муддати, ойлар	Атроф-муҳит намлиги, %				
			40	50	60	70	80
			Тасма оғирлиги, гр				
1.	Ишлов берилган тўқима	3	2001	2003	2006	2012	2019
		18	2023	2130	2142	2152	2164
		36	2172	2180	2188	2217	2236
2.	Хом тўқима	3	2066	2069	2073	2084	2096
		18	2309	2316	2329	2363	2397
		36	2410	2419	2436	2480	2525
3.	Нотўқима	3	2326	2352	2378	2431	2485
		18	3155	3247	3342	3541	3752
		36	3250	3340	3510	3950	4400

Атроф-муҳит намлигининг транспортер тасма оғирлигига таъсирининг тажрибавий натижалари қайта ишланиб, математик моделлар олинди. Уч ой ишлаш даврида атроф-муҳит намлигининг тасма оғирлигига таъсирининг математик моделлари:

ишлов берилган тўқимадан тайёрланган транспортер тасма учун

$$Y_R = 2015,4 - 0,75X_1 + 0,01X_1^2$$

хом тўқимадан тайёрланган транспортер тасма учун

$$Y_R = 2093,8 - 31,41X_1 + 0,018X_1^2$$

нотўқимадан тайёрланган транспортер тасма учун

$$Y_R = 2356,8 - 3,11X_1 + 0,059X_1^2$$

Олинган математик моделлар таҳлилидан, атроф-муҳит намлиги ортиши билан барча уч хил вариантларда 18 ва 36 ой ишлаш муддати давомида тасмаларнинг оғирлиги: нотўқимадан тайёрланган тасманики ўртача 20%, хом тўқимадан тайёрланган тасманики ўртача 3 % ва ишлов берилган тўқимадан тайёрланган тасманики ўртача 2% га ошганлиги кузатилди. Намлик қиймати 40-50% оралиғида нотўқима, хом тўқима ва ишлов берилган тўқимадан тайёрланган тасмаларнинг оғирлиги 2% атрофида, деярли сезиларсиз миқдорда ўзгарган. Намликнинг 50-80% оралиғида эса хом тўқима ва ишлов берилган тўқималардан тайёрланган тасмалар оғирлигининг 2% га, нотўқимадан тайёрланган тасма оғирлигининг интенсив тарзда ўртача 20 % га ошиши кузатилди. Бу ҳолат нотўқима полотно ишлаб чиқариш жараёни ва унинг тузилишидаги ўзига хосликлар билан изоҳланади.

Диссертация ишининг «**Техник тасмаларни тайёрлашнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида хомашё таркибининг физикавий-механик хусусиятлари ва унинг техникада қўлланилувчи тасмаларнинг тузилишига таъсири тадқиқ этилган; улардан фойдаланиш даврида калава ип ва тўқимада намоён бўладиган релаксацион жараёнлар ўрганиб чиқилган; техник тасмаларни шакллантириш ва тайёрлаш жараёнининг ўзига хослиги асослаб берилган; арқоқ ипини хомузага ташлашнинг янги технологияси ишлаб чиқилиб, транспортер тасмаларни ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилган. Шунингдек, техник мақсадларга мўлжалланган техник тўқималарни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган штапел ва комплекс иплар тавсифи келтирилган.

Атроф-муҳит намлиги иплар (калава иплар) ва тўқув дастгоҳининг эластик тахтлаш тизимининг мувозанат намлигини белгилайди. Атроф-муҳит ҳарорати 68°F (Фаренгейт бўйича) бўлганда, атроф-муҳит намлиги ( $W_c$ )нинг турли кўринишдаги ипларнинг (калава иплар) мувозанат намлиги ( $W_n$ )га таъсири ўрганилган.

Атроф-муҳит намлиги  $W_c=65\%$  бўлган шароитда капрон иплари энг кам мувозанат намлик даражасига эга бўлади ва  $W_n=4\%$ ни ташкил этади, жун ипларининг мувозанат намлик даражаси максимал бўлиб,  $W_m=15\%$  ни ташкил этди. Жун ва ипак ипларнинг мувозанат намлиги сезиларли даражада ўзгарувчан бўлади.

Ип ёки калава иплар учун релаксация вақти қуйидаги тенгламада ифодаланган:

$$\tau = \tau_n \exp \left\{ -\frac{W_n}{T_F} \right\} \quad (1)$$

бу ерда:  $\tau_n$  - таъсир этиш вақти (кузатув), мин;  $W_n$  - ипларнинг (калава ипларнинг) мувозат намлиги;  $T_F$  - цех ҳарорати, одатда Фаренгейт бўйича 68°F га тенг ёки Цельсий бўйича 20°C.

Тенглама (1) таҳлилидан, ипларнинг мувозанат намлиги ортиши билан релаксация вақти камайиб боради. Бельтинг оғир техник тўқималарнинг

узилишга чидамлилиқ кўрсаткичлари асосан унинг намлик даражасига боғлиқ бўлади.

Чоксиз тўқилган тасмаларни иккита усулда ишлаб чиқариш мумкин. Биринчи усулда яхлит тўқилган тасма оддий дастгоҳда ишлаб чиқилиб, сўнгра тўқув дастгоҳида алоҳида тасма учлари бириктирилади. Ушбу усулда тўқилган тасма ўлчамлари ўзгарувчан бўлиб, чекланмаган узунликка эга. Бироқ, тасма учларини бириктириш учлар ёки боғичларни устма-уст қўйиб елимлаш, тикиб чиқиш, бириктириб тикиш усуллари орқали амалга оширилиши мумкин.

Тасма қалинлиги бўйича нотекислиги, учма-уч келган жойда бириктириш, тўқима ипларининг пишиқлиги ва эгилувчанлигининг йўқолиши ушбу турдаги бириктириш усулининг асосий камчилиги ҳисобланади.


Иккинчи усулда яхлит тўқилган тасмалар спирал кўринишда ўралган танда ипидан тўқув дастгоҳида ишлаб чиқарилади, яъни якка танда ипи буралма шаклда ўралиб, бир қаторда жойлаштирилади. Танда ипи периметри ип қисқаришини ҳисобга олган ҳолда яхлит бичилган тасма периметрига мувофиқ келади, ишлаб чиқарилаётган тасма узунлигини чегаралайди. Тайёрлаш жараёнида танда ипи махсус рамага ўралади, бу ерда калава ип бир-биридан ажратилган ҳолда қатор (жуфт ва тоқ сонли иплар) кўринишида ўралиб, сўнгра тўқув дастгоҳига узатилади.

Тадқиқот мобайнида тўқув дастгоҳларида транспортёр тасмаларига қўйилган талабларга жавоб берадиган техник тўқималар чизиқли зичлиги 50 x 21 текс бўлган танда ипи ва 50 x 18 текс чизиқли зичликка эга бўлган арқоқ ипидан фойдаланган ҳолда, полотно ва унинг ҳосиласи ўрилишида ишлаб чиқарилди. Шунингдек, тажрибавий мато намуналарини тўқиш учун ип тахтлаш кўрсаткичлари келтирилиб матонинг техник ҳисоблари амалга оширилди.

Тажрибавий намуналарни ишлаб чиқариш жараёнида тўқув дастгоҳида арқоқ ипини ҳомузага ташлаш усули ва жипслаштириш механизми конструкциясидаги камчиликлар аниқланди. Тўқув дастгоҳида такомиллаштирилган, юқори чизиқли зичликка эга бўлган арқоқ ипини ҳомузага ташловчи моки-тутгич ёрдамида ип ташлашнинг янги тизимдан фойдаланилди. Тиғ бир учли силачкага (тиғ, тароқ типидagi) эга бўлган жипслаштирувчи механизмга ўрнатилиб, танда ипини узлуксиз спирал кўринишида тўқиш имконини беради.

Арқоқ ипини ташлашнинг янги технологиясидан фойдаланган ҳолда тўқимали тасмани ишлаб чиқаришда арқоқ ипи ҳар бир бобинадан моки тутгичга узатиш механизми ёрдамида, ўнг ва чап томонлардан кетма-кет узатилади. Арқоқ ипини узатиш механизми шода роми 3 га ўрнатилган қайишқоқ пластинадан тайёрланган кўзча 4 дан иборат (3-расм).

Шода пастга тушиши билан арқоқ ипи 2 ўтказилган кўзча 4 ипни моки-тутгич 5 ҳаракатланиш чизиғига ўрнатади ва уни ҳомузага ташлайди. Мокининг қарама-қарши йўналиши бўйича ҳаракатланишида, шода арқоқ ипини тутгич ҳаракатланиш чизиғига ўрнатиб, арқоқ ипи ҳомуза орқали ўтказилади.



1-қўзғалмас бобина; 2-арқоқ ипи; 3-шода рамаси;  
4-шода рамасига ўрнатилган кўзча; 5-арқоқ ушлагич; 6-тўқима қирғоғи.

### 3-расм. Арқоқни узатиш механизмининг принципиал схемаси

Арқоқ ипини ўрта ҳолатга ўрнатиш (шодалар пастга тушиши) моки-тутгични ҳаракатга келтириш орқали амалга оширилиши лозим.

Тадқиқ этилаётган материал ишқаланиш жуфтлигига боғлиқ бўлган ҳолда металл, нометалл (пластмасса, ёғоч, резиналар ва ҳ.к. иплар), тўқимачилик толаларидан (пахта, жун, зиғир, ипак ва уларнинг аралашмаси ва ҳ.к.) тайёрланган бўлиши мумкин. Эйлер формуласига мувофиқ, бошланғич таранглик ( $K_0$ ) ва чиқувчи таранглик ( $K$ )нинг ўзаро ишқаланиш бурчаги ( $\alpha$ ) га ва ипнинг йўналтирувчи моки тутгичга нисбатан ишқаланиш коэффициентига боғлиқ боғланиши қуйидагича бўлади:

$$K = K_0 \exp(f \cdot \alpha) \quad (2)$$

Ишқаланиш коэффициенти  $f$  Эйлер формуласи орқали қуйидагича ҳисобланади:

$$\frac{K}{K_0} = e^{f \cdot \alpha} \quad f = \frac{\ln \frac{K}{K_0}}{\alpha}$$

$\alpha = \pi$  бўлган ҳолатда,  $f$  қуйидагилардан иборат бўлади:

$$f = \frac{\ln \frac{K}{K_0}}{\pi} \quad f = \frac{\ln K - \ln K_0}{\pi} \quad (3)$$

бу ерда:  $K$  – ипнинг чиқиш таранглиги (динамометр ёрдамида аниқланади);  $K_0$  – ипнинг кирувчи таранглиги (ўзгармас юк оғирлиги бўйича аниқланади);  $\alpha$  - тўқимачилик ипи билан материални қамраб олиш бурчаги (ишқаланиш бурчаги), радиан;  $f$  - ишқаланиш коэффициенти.

4-жадвалда турли ишқаланиш юзалари учун  $K_0 = 5$  гр ва  $\alpha = \pi$ , бўлганда, чизиқли зичлиги 500 текс бўлган ипнинг ишқаланиш коэффициентининг ҳисобий қийматлари келтирилган.

Жадвалдан, ип юзаси бўйича дастлабки сирпанишидаги ишқаланиш дам олиш вақтидаги ишқаланиш коэффициентига мувофиқ бўлади, у фрикцион жуфтлик ҳолатига (ип-юза) мувофиқ бўлган тажрибавий барча вариант намуналарининг бир текисда ҳаракатланишдаги ҳолатида катта ишқаланиш коэффициентига эга бўлади.




**Турли юзалар учун ишқаланиш коэффициентининг  
ҳисобий натижалари**

№	Ишқаланиш юзаси	Фрикцион жуфтликларнинг ҳолати	Тензометр кўрсаткичи, гр	Юза устида ипнинг ишқаланиш коэффициенти
1.	Айланувчи цилиндр, металл-пластмасса юза	Бир текис ҳаракат	5,5	0,04
		Ҳаракат бошида, тинч ҳолатда	6,0	0,07
2.	Текислик, ҳаракатсиз цилиндр, металл юза	Бир текис ҳаракат	8,0	0,19
		Ҳаракат бошида, тинч ҳолатда	8,7	0,23
3.	Текислик, ҳаракатсиз цилиндр, пластмасса юза	Бир текис ҳаракат	10,0	0,28
		Ҳаракат бошида, тинч ҳолатда	15,0	0,45
4.	Текислик, ҳаракатсиз цилиндр, резина юза	Бир текис ҳаракат	20,0	0,56
		Ҳаракат бошида, тинч ҳолатда	25,0	0,66

Айланувчан цилиндр юзасидан фойдаланилганда энг кичик ишқаланиш коэффициентиға, қўзғалмас цилиндрнинг резина юзасидан фойдаланилганда эса, ишқаланиш коэффициенти энг юқори кўрсаткичға эға бўлади.

Чизиқли зичлиги юқори бўлган арқоқ ипини ҳомузаға ташлаш жараёнида, мокини ҳомузадан чиқиб кетиши, ипни моки ёки моки ушлагичдан чиқиб кетиш ҳолатлари мавжуд.

4-расмда мокининг оғирлик марказиға нисбатан 3 та ҳолатда арқоқ ипини йўналтириш имконияти келтирилган. Арқоқ ипи таранглиги ип бўйича йўналган, деб ҳисоблаймиз. I-ҳолатда ип таранглиги ўқ йўналиши бўйича айланаётган моки ва мокининг олд чеккасида ўсиб бораётган босимда тигға таъсир қилади. III-ҳолатда мокининг олд чеккасида энг кичик босим тигға узатилади.



**4-расм. Мокида арқоқ ушлагич ҳаракатининг схемаси**

бу ерда:  $S$  – ҳомузада арқоқ ушлагичнинг силжиш миқдори;

$K_0$  – ип таранглигининг етакланувчи кучи;

$K$  – ип таранглигининг ҳаракатланувчи кучи;  
 $h_1$  – тигдан мокигача бўлган масофа,  $h_1=22$  мм;  
 $h_2$  – моки учидан тўқима четигача бўлган масофа,  $h_2=128$  мм.

5-жадвалда ҳомузада арқоқ ушлагичнинг ҳолатига боғлиқ йўналтирилган  $\varphi$ ,  $\varphi_1$ ,  $\beta$ ,  $\beta_1$  бурчаклар ва ишқаланиш бурчакларининг ҳисоб натижалари келтирилган.

Жадвал таҳлилидан, арқоқ ипининг моки тутгичга нисбатан максимал ишқаланиш бурчаги мокининг ҳомузадан чиқиш жойида кузатилади. Эйлер формуласида талаб қилинган қамров бурчаги  $\alpha$  учун ипларнинг бир хилда тортилиши  $K$  ва ип жойлашган йўналтирувчи тутгич шаклига боғлиқ бўлмаган ҳолда кириш таранглиги  $K_0$  берилган.

Масалан, турли диаметрларга эга бўлган ва қамров бурчаги бир хил бўлган цилиндрлар учун таранглик  $K$  бир хил бўлади.

Табиийки, бунда турли шаклга эга бўлган цилиндр йўналтиргичлар учун ип таранглиги бир хил бўлиши мумкин эмас. Айрим шаклдаги цилиндрлар учун у катта, бошқалари учун эса кичик бўлиши мумкин

#### 5-жадвал

#### $\varphi$ , $\varphi_1$ , $\beta$ , $\beta_1$ бурчакларнинг ҳисобий натижалари

№	Бурчаклар, град	$S$ хомузада арқоқ ушлагичнинг силжиш миқдори, м.						
		0	0,1	0,2	0,4	0,6	0,8	1,0
1.	$\varphi_1$	90	12	6	3	2	2	1
2.	$\varphi$	0	78	84	87	88	88	89
3.	$\beta_1$	90	52	33	18	12	9	7
4.	$\beta$	0	38	57	72	78	81	83
5.	$\alpha$	0	116	141	159	166	169	172

Текислик бўйича сирпанувчан иплар учун таранглик қуйидагича бўлади:

$$K = K_0 + K_n \cdot l \cdot f \quad (4)$$

бу ерда:  $K_0$  – арқоқ ипининг кириш таранглиги;  $K_n$  – калава ипнинг тола тури ва чизиқли зичлигига боғлиқ бўлган арқоқ ипи қаттиқлиги, сн/мм;  $l$  – моки-тутгич йўналтирувчисига нисбатан сирпанаётган ип узунлиги, мм;  $f$  – цилиндрга ўрнатилган моки-тутгичга нисбатан ипнинг ишқаланиш коэффиценти.

ишқаланиш радиуси  $r$ , ишқаланиш бурчаги  $\alpha$  бўлган текислик бўйича сирпанаётган  $l$  узунликдаги ип таранглиги қуйидагича бўлади:

$$K_{zn} = K_n \cdot l \cdot f = K_n \cdot r \cdot l \cdot \alpha \cdot f \quad (5)$$

Арқоқ ипининг чиқиш таранглиги текислик бўйича қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$K = K_0 + K_{zn} \quad (6)$$

Қамров ёйи  $r \cdot l$  га тенг бўлган, айлана бўйича сирпанувчи  $l$  узунликка эга бўлган ипнинг таранглиги қуйидагича бўлади:

$$K_{30} = \frac{2 \cdot K_H \cdot r \cdot f}{1 + f^2} (\exp f \cdot \alpha + \frac{1 - f^2}{2 \cdot f} \cdot \sin \alpha - \cos \alpha) \quad (7)$$

Арқоқ ипи айлана бұйыча сирпанишида унинг чиқиш таранглиги куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$K = K_o + K_{30} \quad (8)$$

Йўналтиргич турига (текислик ёки цилиндр) боғлиқ ипнинг бикрлик киймати, ишқаланиш радиуси, ишқаланиш коэффициентини ва дастлабки тарангликлари бұйыча (ипнинг кириш таранглиги), ип таранглигининг турли кийматларини оламыз.

#### 6-жадвал

**Арқоқ ипнинг юза бұйыча ҳаракатланишида, ишқаланиш радиуси  $r = 1$  дан иборат бўлганда, ипнинг таранглик кўрсаткичига ишқаланиш бурчаги ва коэффициентини таъсир этиши**

Юза тип	Танда таранглиги, сН	Моки ушлагичдаги ипнинг ишқаланиш коэффициенти, f	Арқоқ ушлагичнинг ишқаланиш бурчаги, $\alpha$ , град					
			116	141	159	166	169	172
Юза	Арқоқ ушлагичда	0,19 (металл)	3,5	4,2	4,7	5,0	5,1	5,2
		0,28 (пластмасса)	5,1	6,2	7,0	7,4	7,5	7,6
	Етакловчи бўғинда	0,19 (металл)	8,5	9,2	9,7	10,0	10,1	10,2
		0,28 (пластмасса)	10,1	11,2	12,0	12,4	12,5	12,6
Кўзгалмас цилиндр	Арқоқ ушлагичда	0,19 (металл)	5,6	9,7	12,2	13,0	13,4	13,7
		0,28 (пластмасса)	7,9	12,6	15,7	16,9	17,4	17,8
	Етакловчи бўғинда	0,19 (металл)	10,6	14,7	17,2	18,0	18,4	18,7
		0,28 (пластмасса)	12,9	17,6	20,7	21,9	22,4	22,8
Кўзгалувчан цилиндр	Арқоқ ушлагичда	0,04 (металл-пластмасса)	4,1	7,4	8,9	9,4	9,5	9,6
	Етакловчи бўғинда	0,04 (металл-пластмасса)	9,1	12,4	13,9	14,4	14,5	14,6

Бикрлик кўрсаткичи 10 сН/мм бўлган калава ипнинг (ипнинг чизиқли зичлиги 500 текс) ишқаланиш радиуси, ишқаланиш бурчаги ва ишқаланиш коэффициентига боғлиқ кўзгалмас ва айланувчан цилиндр, текислик бұйыча ипнинг ҳаракатланишида моки-тутгичда ва арқоқ ипи бұйыча ҳосил бўладиган чиқиш таранглигича оид ҳисобий натижалар 6-жадвалда келтирилган.


Барча вариантларда ишқаланиш радиуси 1 мм дан 4 мм гача ўзгариши билан арқоқ ипи таранглигининг ортиши кузатилади. Айлана бұйлаб сирпанадиган ишлар таранглигига нисбатан текислик бұйыча сирпанадиган арқоқ ипи таранглигининг камлиги аниқланди. Айланадиган цилиндрдан мокида арқоқ ипи тутгичи сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Арқоқ ипи текисликда ҳаракатланаётган мокидан арқоқ тутгич сифатида

фойдаланишнинг имкони йўқ, ипнинг кўзгалмас цилиндр бўйича ҳаракатланиши эса, арқоқ ипини тормозловчи вазифасини бажаради, бу эса ўз навбатида арқоқ ипининг тутгичдан тушиб кетиши ёки мокининг ҳаракатланиш траекториясини ўзгаришига олиб келади.


Чоксиз тасмалар тикиш ёки тасма учларини бириктириш жараёнлари талаб қилинмаслигининг ҳисобига улардан фойдаланиш муддатини узайтириш имконини беради. Танда ипи узлуксиз спирал кўринишида тахтланиб, танда ипига шнур ва арқоқ ипи кўшиб тўқилади. Бунда, матоларнинг шнур кўшиб тўқилган бўлак узунлиги танда ипи кўшиб тўқилмаган бўлак узунлигига пропорционал бўлиб, шнур ва арқоқ ипи диаметрининг нисбати минимум 1:2 ни ташкил этади. Тўқилган тасма тўқув дастгоҳидан ечиб олингандан сўнг шнурлар ўрнига арқоқ ипи қўйилади.

Танда ипини тўқув дастгоҳига тахтлаш схемаси 5-расмда келтирилган. Танда ипи валян, бердо, гула, компенсаторлардан ўтгандан сўнг, яна валянга қайтади.


Тўқимани шакллантириш учун гулалар вертикал текисликда ҳаракатланиб, ҳомуза ҳосил қилади. Ҳомузага шнур киргизилиб, тиғ ёрдамида уни тўқима четига жипслаштирилади. Тўқима шаклланиши жараёнлари қайтарилиб, матонинг «А» бўлаги ишлаб чиқилади. Матонинг шнурли «А» бўлаги ишлаб чиқилгандан сўнг, матога арқоқ ипи ташланиб (6-расм), матонинг «В» бўлаги шакллантирилади.




**5-расм. Тўқув дастгоҳига танда ипини тахтлаш**



**6-расм. Тўқиманинг арқоқ ипли «В» зонаси**



**7-расм. «С», «А», «В» зоналари**



**8-расм. Тайёр тўқув тасма қирқими**

Бунда матонинг шнурли «А» бўлаги тиғдан гулага қараб силжиб боради. Ҳомуза ўлчами чекланганлиги ва арқоқ ипини ҳомузага киритишнинг иложи йўқлиги сабабли, тўқима шаклланиши давом этмайди. Натижада, матода «С» бўлаги ҳосил бўлади ва ушбу бўлак арқоқ иписиз фақат танда ипидан шаклланади. Бу ҳолатда танда иплари тиғ тишлари ва гулалардан, мато валидан ажратиб олинади. Тўқилган тасманинг шнурли «А» бўлаги, арқоқ ипли «В» бўлаги, танда ипли «С» бўлагининг кўндаланг кесими 7-расмда

тасвирланган. «А» ва «С» бўлақлар бир хил узунликка эга. «С» бўлақни шакллантириш жараёни қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади. «С» бўлақда ишлаб чиқилган шнурлар ўрнига унинг диаметрига нисбатан минимум икки марта катта диаметрдаги арқоқ ипи ташланади. Шундан кейин «С» бўлақ арқоқ иплари билан тўлдирилади ва тайёр яхлит тўқилган буюм - чоксиз транспортёр тасмаси ҳосил бўлади (8-расм).

Диссертация ишининг «**Берилган хусусиятларга эга бўлган техник тасмаларни лойиҳалаш ва уларни ишлаб чиқариш технологияси**» деб номланган тўртинчи бобда ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган тасмаларнинг тузилиши тадқиқ этилган. Талаб қилинган узилишга чидамли техник тасмалар лойиҳаланган. Ҳомузага киргизилган арқоқ ипининг ишқаланиш ва таранглик кўрсаткичлари ва матонинг технологик хусусиятлари ўрганиб чиқилиб, техник тасмаларнинг технологик ва эксплуатацион хусусиятлари асослаб берилган.

